

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

МАХАМАДАЛИЕВА ГУЛЧЕХРА ЗУХРИДИНОВНА

**МИЕЛОМ КАСАЛЛИГИНИНГ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Tib411 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Хомид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаджанова Шоира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлис залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Ташкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Ташкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А. Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда олимларнинг барча диққат ва эътибори тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, мураккаб муаммолардан бири қон яратиш тизими касалликларини ўрганишга қаратилган. Бу ҳолат, аввало онкогематологик касалланишни ортиши ва уларни инсонларнинг барча ёш гуруҳлари орасида кўп тарқалганлиги билан боғлиқ. Барча қон яратиш тизими ўсмасимон хасталиклари билан биргаликда миелом касаллиги ҳам илмий ва амалий нуқтаи назардан алоҳида қизиқиш уйғотади. Миелом касаллиги яқин кунларгача кам учрайдиган патология ҳисобланиб фақат қари ва кекса ёшлиларда кузатилган. Аммо охириги 10 йил мобайнида унинг ёшлар орасида ҳам кузатилганлиги, агрессив ва оғир кечиш билан намоён бўлганлиги, кўп ҳолатларда касалликни илк йилида ўлим билан яқунланганлиги адабиётларда ёритилган¹. Барча онкогематологик патологиялар орасида миелом касаллиги бугунги кунда тарқалганлиги бўйича иккинчи ўринда бўлиб, учраш даражаси ёш ошган сари ортиши, кекса ёшлилар гуруҳида бу кўрсаткич йилига 20:100 000 ни ташкил қилганлиги аниқланган.

Жаҳонда миелом касаллигини турли хил жиҳатларини ўрганиш бўйича изланишлар фақатгина гематолог ва морфологлар эмас, иммунолог, генетик, биологлар томонидан ҳам олиб борилмоқда, уларнинг биргаликдаги ишлари натижасида касаллик ривожланишини мураккаб механизмларини аниқлаш, ташхислаш ва даволашда янги усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида муваффақиятларга эришилган. Шу жумладан, кўплаб изланишлар натижасида плазматик ҳужайраларнинг хавфли ўсма ҳужайраларига трансформациясида генетик ва ҳамда муҳит омилларининг муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланган. Ушбу касалликни бошқа касалликлар билан клиник ва лаборатор жиҳатдан ўхшашлиги сабабли кўп ҳолларда ўз вақтида ташхислаш қийинчилик туғдиради. Миелом касаллигини муҳим диагностик кўрсаткичларидан бири бу қон зардобидида патологик моноклонал оқсилни мавжудлигидир. Бу оқсил миқдори бошқа диагностик кўрсаткичлар билан биргаликда касаллик кечиши ва оқибатларини, даволаш натижасини яъни касалликни тўлиқ ёки қисман ремиссияга эришилганлигини баҳолашга имкон беради. Ҳозирги кунда таргет дори воситалари, протеасома ингибиторлари ва моноклонал антитаналарни миелом касаллигини даволашда самараси ўрганилмоқда. Қатор олимларнинг изланишларида «...янги протеасома ингибиторлари билан даволаш беш йиллик соғ қолиш кўрсаткичсини икки маротаба оширган...»². Охириги йилларда миелом касаллигини даволаш схемаларида аутологик гемопоэтик ўзак ҳужайраларни трансплантациясини амалиётда татбиқ этиш натижалари самарадорлиги ёритилмоқда. Кўп марказлар иштирокида олиб борилган текширувлар

¹ Chen Y.K. et al. Early mortality in multiple myeloma: Experiences from a single institution // Hematology. – 2016. – Vol. 21. №7. – P. 392-398.

² Bhatnagar V. et al. FDA Approval Summary: Daratumumab for Treatment of Multiple Myeloma After One Prior Therapy // Oncologist. – 2017. – Vol. 22. №11. – P. 1347-1353.

натижаларига кўра, юқори дозали поликимётерапийадан сўнг аутологик гемопоэтик ўзак хужайралар трансплантацияси (ауто ГЎХТ) миелом касаллигини рецидив ва резистент кечиши кузатилган беморларда юқори самарадор эканлиги аниқланган. Шундан келиб чиққан ҳолда аутологик гемопоэтик ўзак хужайралар трансплантациясини ўтказиш бугунги кунда миелом касаллигини даволашда устивор йўналишларимиздан бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантириш, турли хил касалликларни, жумладан онкогематологик касалликларни келиб чиқишини олдини олиш, уларни ривожланиш механизмларини бартараф этиш, тўғри ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш аҳоли орасида миелом касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва Фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миелом касаллиги барча онкологик касалликларнинг 1% ва гемабластозларнинг эса 10-15% ташкил қилади (ЕНА, 2018). Европада касалланиш кўрсаткичи 2000 йилда 1,31, Россияда эса 100 000 аҳолига нисбатан бир йилда 1,2 ни ташкил қилган. Миелом касаллиги кўпинча 40 ёшдан катта беморларда кузатилиб, касалланиш кўрсаткичи медианаси 68 ёшни ташкил қилади (Катин Е.А. ва хз., 2018). Ҳозирги вақтгача миелом касаллиги тузалмас касаллик ҳисоблангани сабабли, барча изланишлар бу касалликни даволашни янги технологик методларини ўрганишга қаратилган.

Адабиётлардан маълумки, миелом касаллигини диагностикаси ва даволашда охириги эришилган ютуқлар, касалликни ремиссиясини узоқ давом этишига имкон беради. Америка хавфли ўсма касалликларини қайд этиш SEER (2017), маълумотларига кўра беморлар сони охириги беш йил ичида 50,2% га ошган. Аммо бу кўрсаткич ўтказилаётган кимётерапийани стандарт усулларини самарасизлигидан ҳам дарак беради. Миелом касалликли

беморларнинг кўпчилигида касалликни ремиссиясига эришилганлигига қарамасдан, кейинчалик ушбу беморларда яна касаллик қайталаниши аниқланган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, миелом касаллиги қайталанганида кўпинча даволашга нисбатан касалликни резистентлиги ривожланиши оқибатида беморлар аҳволи оғирлашади. Ўтган асрнинг охирида медикаментоз даволаш протоколларига таргет протеосома ингибиторлари киритилди. Даволашни ушбу усулларини қўллаш юқори самарали натижалар кўрсатди ва ўтказилаётган кимётерапияни ножўя таъсирларини ҳам камайишига олиб келди. Attal M. et al. (2017) маълумотларига кўра таргет препаратлар юқори селектив таъсирга эга бўлиб, даволашнинг барча босқичларида ижобий таъсир кўрсатади.

Сўнги ўн йилликда периферик қонда ўзак хужайраларини концентрациясини ошишига олиб келувчи гемопозтик ўсиш омилларидан фойдаланиш трансплантация учун гемопозтик ўзак хужайраларни манбаи сифатида периферик қондан фойдаланиш имкониятини яратди. Кўплаб изланишларга қарамай, гемопозтик хужайраларни трансплантация қилиш самарадорлиги кенг муҳокама қилинаётган масала бўлиб қолмоқда. (Chakraborty R. et al., 2017, Gay F. et al., 2017, Koharazawa H. et al., 2015).

Ўзбекистонда гемопозтик ўзак хужайраларни трансплантациясини миелом касаллигида ўтказилишига оид тадқиқотлар илк бор олиб борилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ ПЗ-20170928560 рақамли “Миелом касалликли беморларни даволашда касалликни кечишини баҳоловчи молекуляр-биологик кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда янгича ёндошишни такомиллаштириш” (2018-2020й.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори технологияли усулларни қўллаш орқали миелом касаллигини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш, касаллик кечишини тахмин қилиш мезонларини ва даволаш курси самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори технологияли ташхислаш усулларини қўллаш орқали Ўзбекистонда миелом касаллигини иммунокимёвий турларини учрашини ва уларни касалликнинг бирламчи ташхислашдаги аҳамиятини баҳолаш;

миелом касаллигини клиник, морфологик ва биокимёвий хусусиятлари асосида касалликни прогностик омилларини аниқлаш;

миелом касаллигини даволашда VCD протоколин ва VCD + аутологик гемопозтик ўзак хужайралар трансплантацияси натижалари самарадорлигини киёсий таҳлил қилиш;

миелом касаллигида қўлланилган даволаш протоколларининг беморлар ҳаёти давомийлиги билан боғлиқлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида миелом касаллиги билан хасталанган 22 ёшдан 80 ёшгача бўлган 124 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети асосий клиник ва лаборатория кўрсаткичларини аниқлаш учун беморлардан суяк кўмиги аспирати, сийдик, периферик ва веноз қони олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш учун диссертацияда клиник, биокимёвий, иммунологик, морфологик, инструментал ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротоба Ўзбекистонда беморларда муҳим ташхислаш ва прогностик аҳамиятга эга бўлган миелом касаллигининг иммунокимёвий турлари асосланган;

илк бор миелом касаллигининг хавfli кечишини баҳолаб берувчи муҳим клиник-диагностик омиллар исботланган;

миелом касаллигида фақат поликимётерапия ва поликимётерапия + аутологик гемопоэтик ўзак хужайралар трансплантацияси ўтказилган беморлар билан қиёсий солиштирилганда даволаш самарадорлигини 3.6 марта ($p < 0,01$) ошишига олиб келиши исботланган;

Ўзбекистонда илк маротоба миелом касаллигида аутологик гемопоэтик ўзак хужайралар трансплантацияси ёрдамида кенг қамровли даволашни амалиётга татбиқ этиш, уларда умумий соғ қолиш ва касаллик рецидивсиз соғ қолиш кўрсаткичини ошириш имконини берганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касалликнинг клиник кечишининг салбий натижаларини келиб чиқишида миелом касаллигини иммунокимёвий турларини прогностик аҳамияти асосланган;

миелом касаллигини даволашда қўлланиладиган кимётерапия усуллари самарадорлиги қиёсий баҳоланган;

Миелом касаллигини диагностикаси, даволаш ва кечишини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли миқдордаги текширилган беморлар сони, клиник ва замонавий усулда статистик таҳлил қилинган аниқ лаборатор текширув натижалари ва ушбу натижаларни халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосалар билан биргаликда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда миелом касаллигининг иммунокимёвий турларини учраш даражаси, уларни касаллик кечишини баҳоловчи салбий омиллар, касалликнинг клиник лаборатор хусусиятлари билан боғлиқлиги ва ушбу беморларда аутологик гемопоэтик ўзак хужайралар трансплантациясини қўллаш самарадорлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миелом касаллигининг салбий кечишида муҳим прогностик аҳамиятга эга булган иммунокимёвий турларини аниқлаш зарурати ва даволаш самарадорлигини ошириш учун аутологик гемопозитик ўзак ҳужайралар трансплантациясини тавсия қилинганлиги, миелом касаллигини ташхислаш ва даволашни замонавий усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги, клиник ва гематологик самарадорлиги маълумотларини гематология амалиётига тадбиқ қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Миелом касаллигининг юқори технологияли диагностикаси ва даволаш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Миелом касаллигининг диагностикаси ва даволаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 8н-р/362-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома беморларда миелом касаллигини даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Ўзбекистонда миелом касаллигини замонавий прогностик ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар республиканинг амалий соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари кўп тармоқли шифохона гематология бўлими амалий фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 8н-з/189-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши миелом касалликли беморлар давлат бюджетини йилига улар умумий сонига нисбатан иқтисодий фойдаси 28% ни ташкил этишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар: 7 та мақола (2- хорижий, 5 та маҳаллий журналларда) ва 8 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устивор йуналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган,

тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миелом касаллигини келиб чиқиш механизмлари, ташхислаш ва даволаш муаммолари ҳақида замонавий фикрлар**» деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, унда Миелом касаллиги муаммоларининг ҳолати ҳақида умумий фикр, тарқалганлиги ва таснифини ўрганиш туғрисидаги маълумотлар, миелом касаллигини (МК) ривожланиш механизмлари ҳақидаги замонавий ғоялар, шунингдек касалликнинг ташхиси ва даволаш ҳақида батавсил адабиётлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлили ўтказилган. Хусусан МК ни ташхислаш (иммунокимёвий вариантини аниқлаш) ва даволашда (мақсадли-таргет дори воситаларини аутологик ГЎХТ билан биргаликда қўллаш) ушбу соҳада эришилган ютуқлар ва янги техноло-гияларнинг тадбиқ қилиниши касалликнинг ўз вақтида ташхис қўйилишига ёрдам беришига, унинг прогнозини аниқлашга ва мақсадли даволашни тайинлашга қаратилган. Бундан мақсад беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ўртача соғ қолиш кўрсаткичи даражасини оширишдир.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот материали ва текширув усуллари**», тадқиқот материали бўлган беморларнинг клиник хусусиятлари тафсифланган ва ушбу иш жараёнида қўлланилган тадқиқот усуллари ҳақида батавсил маълумот берилган.

Диссертация ишининг қўйилган вазифаларига мувофиқ ЎзРес.ССВ Г ва ҚҚИТИ клиникасида кузатувда бўлган ва касалхонада даволанган 124 нафар миелом касалликли беморнинг (ўртача ёши $55,3 \pm 2,3$ ёш) кенг қамровли текшируви ўтказилди. Беморлар мурожаатига кўра тасодикий усулда танланган. Кузатув даври ўртача $45,5 \pm 2,9$ ойни ташкил қилди (4 ойдан 90 ойгача). Ташхис ЖССТ (2008) тавсиялари асосида тасдиқланган. Назорат гуруҳи 80 нафар соғлом инсонлардан иборат бўлиб, анамнезида қон тизими касалликлари йўқ, улар жинси ва ёши бўйича текширилган гуруҳдаги беморлар сонига мос келади.

Барча текширилаётган беморлар иккита катта гуруҳга бўлинди: 1чи асосий гуруҳ VCD протоколи бўйича поликимётерапия (ПКТ) олган беморлар тадқиқот вазифалари ва даволаш усулига нисбатан иккита кичик гуруҳга ажратилган.

"А" – гуруҳ ($n = 87$). VCD протоколи бўйича 4 курс ПКТ олган беморлар ва "В" –гуруҳ ($n = 20$) VCD протоколи бўйича 4 курс ПКТ ва аутологик гемопозетик ўзак ҳужайралар трансплантацияси (аутоГЎХТ) ўтказилган беморлардан ташкил топган .

2 чи назорат гуруҳи ($n=80$).

Тадқиқот усуллари клиник (анамнез йиғиш, тиббий кўрик), лаборатор (клиник таҳлил, суяк кўмиги аспирати периферик ёймаси, биокимёвий усуллар) ва статистик усулларни ўз ичига олади.

Клиник усуллар беморни шикоят, анамнезини йиғиш ва объектив кўрувдан иборат. Қон таҳлилини клиник баҳолаш учун гемоглобин

миқдорини, эритроцитлар, тромбоцитлар, лейкоцитлар лейкоформула элементлари ва ЭЧТ миқдорини аниқланди. Суяк кўмиги аспириати морфологик текширилди (плазмоцитлар сонини ҳисобга олган ҳолда).

Тадқиқотнинг биокимёвий усуллари қуйидагилардан иборат: веноз қон зардобидида оксил, албумин, β_2 ва γ микроглобулин, креатинин, қолдиқ азот, мочевина) миқдорини аниқлаш; сийдикдаги протеин миқдори, Бенс Джонс оксили; қон зардобидида оғир (Ig G, A ва кам учрайдиган), енгил занжирли (κ , λ) ва эркин занжирли (κ , λ) моноклонал иммуноглобулинни иммунофиксация ва электрофорез ёрдамида аниқлаш "Interlab Pretty" автоматлаштирилган тизими ёрдамида ушбу фирма реактивларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. (Interlab, Italiya).

Даволаш усулига кўра беморлар иккита кичик гуруҳларга бўлинди:

"А" гуруҳи (n = 87, 38 эркак ва 49 аёл) VCD (bortezomib (PS-341)) протоколи бўйича 4 курс ПКТ 1, 4, 8 ва 11-кунларда томир ичига 1,3 мг / м² дозада қабул қилган;

циклофосфамид 300 мг/м² томир ичига 1,4, 8,11 кунлари ва дексаметазон 20 мг оғиз орқали ёки вена ичига 1-2, 4-5, 8-9, 11-12чи кунлари);

«Б» гуруҳи (n=20, 14 эркак ва 6 аёл), VCD (bortezomib (PS-341)) протоколи бўйича 4 курс ПКТ 1, 4, 8 ва 11-кунларда томир ичига 1,3 мг / м² дозада қабул қилган;

циклофосфамид 300 мг/м² вена ичига 1,4, 8,11 кунлари ва дексаметазон 20 мг оғиз орқали ёки вена ичига 1-2, 4-5, 8-9, 11-12чи кунлари) ва Аутологик ГЎХТ ўтказилган;


Маълумотларнинг статистик таҳлили Excell дастурий таъминот пакетларидан (Statistica 5.0 Windows учун) фойдаланиб, вариацион статистика усули билан амалга оширилди. Статистик таҳлилда ҳар бир белгини асосий хусусиятлари ҳисоблаб чиқилган: ўртача, ўртача квадрат оғиш, ўртача статистик ишончлилик. Гуруҳлар орасидаги натижаларнинг ишончлилигини баҳолаш учун Студент мезонларидан фойдаланган ҳолда Фишер усули ишлатилган. Windows учун Статистика 5.0 дастурида маълумотлар қайта ишланди. Натижалар $p < 0.05$ да ишончли деб ҳисобланган.

Диссертацияни учинчи бобида «Ўзбекистонда миелом касаллигини клиник лаборатор хусусиятлари» МКнинг клиник ва лаборатор кўринишларини ўрганиш натижалари келтирилган. Клиник тадқиқот давомида, текширилган миелом касалликли беморларининг умумий сонининг энг катта фоизини аёллар (53,2%) ташкил этганлиги, эркаклар ва аёллар нисбати 1: 1.14 бўлганлиги аниқланган, аммо адабиётлар бўйича касаллик эркаклар. орасида кўпроқ учраши қайд этилган. Бизнинг тадқиқотимиздаги ушбу тафовут, эҳтимол беморларимизнинг тасодифий танлаб олиниши билан боғлиқдир.

Натижалар келтирилган: Беморларнинг ёш ўзгариши 28 дан 80 ёшгача (ўртача $55,3 \pm 2,3$ ёш). Жинслар фарқига кўра эркакларнинг ўртача ёши $52,7 \pm 3,5$ ёшни, аёллар учун - $54,9 \pm 3,03$ ёшни ташкил этган. Шундай қилиб, ўрганилган параметрлар орасида аниқландики, миелом касаллиги билан

катталар популяциясининг барча ёш гуруҳлари касалланади ва 50 ёшдан кейин аёллар касалланиши устунлиги кузатилган.

Миелом касаллиги мавжуд беморларда ташхислаш босқичида G.M. Durie ва S.E. Salmon (1975) таснифига кўра касаллик босқичи аниқланган (1-расмга қаранг).



1-расм. Миелом касалликли беморларнинг босқичлар бўйича тақсимлаш (G.M.Durie ва S.E. Salmonga кўра, 1975 й)


Миелом касаллиги босқичларини аниқлаш натижаларини таҳлил қилиб, II босқичли беморлар сони 16,8%ни ташкил қилганлиги аниқланди, улар орасида II "А" билан - 9,8% ва II "В" билан - 7,3%. Миелом касаллиги билан хасталанган беморларнинг умумий сони эса III босқичда 83,2% ни ташкил қилди, шундан III "А" билан - 41,1% ва III "В" билан- 42,1%. Бундан кўришиб турибдики, III босқичли Миелом касаллиги билан хасталанган беморлар сони II босқич билан солиштирилганда 4,9 баробар юқоридир. Бу ҳолат беморларнинг катта қисми оғир аҳволдалигидан далолат беради.

Миелом касалликли беморларни ташхислашда юқори технологияли усуллардан фойдаланиш, яъни касалликнинг иммунокимёвий турларини иммуноглобулин типларига ажратиш орқали аниқлаш шуни кўрсатдики, текширилган беморларнинг 45,2% ни IgG κ варианты, 21,0%ни - IgG λ, 6,5%ни - IgA κ, 11,3%ни - IgA λ, ва шу билан биргаликда 16,0%да – нодир вариантларини аниқлашга имкон берди: IgGκ + IgAλ (5,6%), IgGλ + IgMκ (0,8%) ва Gλ + Mκ (0,8%) комбинацияси, Gκ + Aλ + эркин енгил занжир 2 λ (0,8%), IgGκ ва эркин енгил занжири λ (1,6%), IgAκ ва эркин енгил занжир λ (0,8%) комбинацияси, эркин енгил занжирли вариантлари λ (4,8%) ва κ (0,8%). Шундай қилиб, Миелом касаллигини IgGκ билан касалланиш даражаси бошқа вариантларга қараганда IgGλ - 2,2: 1, IgAκ - 7: 1, IgAλ - 4: 1 ва кам учрайдиган вариантлар билан - 2,8:1 нисбатда ошганлиги кузатилди. (2-расмга қаранг).

Адабиёт маълумотларига кўра, G-ва А-миелома билан касалланиш учраш даражаси 55-65% ва 20-25% ни ташкил қилади, холбуки бизнинг маълумотларга кўра эса G - миелома 66,1%, А – миелома эса - 17,7% ни ташкил этган. Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда А-

миелома билан касалланиш адабиётларда қайд этилганларга нисбатан 1,13 марта кам учрайди.

Текширилган миелом касалликли беморларда клиник кўринишлар 100% ҳолларда суяклардаги оғриқлар (оссалгия) мавжудлиги, 81,5% ҳолларда – скелет суякларининг патологик синиши (кўпинча IgAλ - 92,9% ва IgAκ - 87,5%) билан, 33,1% да юқумли касалликлар билан асоратланиши (кўпинча IgGλ, IgAκ ва IgAλ - 50,0%, ва кам ҳолларда IgGκ - 21,4%), 46,7% беморларда эса – сурункали буйрак етишмовчилиги (кўпинча IgGκ - 51,8% ва IgAλ - 50,0%) ва 12,1% ҳолатларда- экстрамедуляр плазмоцитома кўринишлари (IgGκ -19,6% ва IgGλ -15,4% да аниқланиб, IgAκ ва IgAλ вариантларида аниқланмаслиги) билан намоён бўлган.



2-расм. Миелом касаллигининг иммунокимёвий вариантларини учраш даражаси

Миелом касаллиги билан хасталаган беморларда турли даражадаги камқонлик ҳам қайд этилди. Шунингдек таъкидлаш керакки, оғир даражали камқонлик беморларда кўпинча IgGλ (50.0%), IgAλ (42.9%) ва иммуноглобулинларнинг кам учрайдиган турларида (40.0%) кузатилган. Ушбу ҳолат шундан далолат берадики, "λ" энгил занжири ва иммуноглобулинларнинг кам учрайдиган турлари мавжуд булган иммунокимёвий вариантлар, "κ" энгил занжирли турларига нисбатан оғирроқ кечади.

Беморда сурункали буйрак етишмовчилиги ва камқонликни мавжудлиги, шунингдек экстрамедуляр асоратлар борлиги касалликнинг клиник кечиши, даволашга жавоб реакцияси, касалликсиз (КСҚ) ва беморларнинг умумий соғ қолиш кўрсаткичи (УСК) нуктаи назаридан миелом касаллигининг оғир даражаси ва салбий прогностик мезондир.

Қон зардоби ва суяк кўмиги аспиратини клиник таҳлилини текшириш касалликни ташхислашда катта аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот усулларини ўтказиш миелом касаллигини мавжудлигини аниқлаш, касалликнинг босқичи ва кечишини прогностик жиҳатдан аниқлаш имконини беради. Барча текширилган беморларнинг (n=124) 90,2% да дастлабки ташхис қўйилган вақтда гемоглобин (Hb) ва эритроцитлар миқдорини пасайганлиги аниқланди.

Миелом касалликнини иммунокимёвий вариантга кўра Hb ва эритроцитлар миқдорини таҳлил қилинганда, ушбу кўрсаткичларнинг энг

катта пасайиши «λ» занжир бўлган беморларда, «κ» енгил занжири бўлган беморларга нисбатан солиштирганда 1,1 ва 1,2 марталиги ($p>0,05$) аниқланди. Худди шундай ҳолат тромбоцитлар сони таҳлилида ҳам кузатилди, унинг даражаси "κ" енгил занжирли беморларга нисбатан "λ" енгил занжирли беморларда 1,2 барабар юқорилиги аниқланди. Лейкоцитлар ўртача миқдори меъерий кўрсаткичлардан фарқ қилмади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, беморларнинг 32,3%да лейкоцитлар сони $4,0 \times 10^9$ дан кам булган лейкопения, нейтропения $1,0 \times 10^9$ дан кам - 2,4% да қайд қилинди. Патологик оқсилларни ошиши натижасида келиб чиққан эритроцитлар чўкиш тезлигини (ЭЧТ) ошиши барча беморларда ($n=124$) аниқланиб, бунда энг юқори натижа А –миеломада кузатилди ва G – миелома ва кам учрайдиган вариантларга нисбатан 1,22 ва 1,63 марта ошди.

Беморларда суяк кўмиги морфологиясини ўрганиш натижалари IgAλ да энг кўп аниқланган плазмоцитлар ($53,4 \pm 7,9\%$) билан тавсифланди, бу IgGκ га нисбатан 1,4, IgGλ га нисбатан 1,5; IgAκ га нисбатан- деярли 1,5; кам учровчи вариантларга нисбатан 1,6 марта ошди. Шундай қилиб, периферик қон кўрсаткичлари ва суяк кўмигидаги плазмоцитлар миқдорига кўра, А – миелома вариантыни, хусусан «λ». енгил занжири мавжудлиги касалликнинг янада агрессив кечиши ва салбий прогностик омилни билдиради.

Дастлабки ташхис қўйиш пайтида қоннинг биокимёвий параметрларини ўрганиб, умумий оксил, γ – ва $\beta 2$ – микроглобулинлар, креатинин ва мочевина миқдори кўпайиши билан характерланувчи натижалар олинди. Умумий оксилни энг юқори даражаси IgAκ ($116,7 \pm 8,9$ г/л) вариантыда аниқланиб, IgG κ га нисбатан 1,12; IgGλ га нисбатан 1,1; IgA λ га нисбатан 1,3 ва кам учровчи вариантларга нисбатан 1,35 марта ташкил қилди. γ - микроглобулин миқдори А-миелома беморларида, G – миелома ва кам учровчи вариантларга нисбатан мос равишда 1,35 ва 1,6 марта ошди, бунда $\beta 2$ - микроглобулин миқдори МК ни кам учровчи вариантларида энг юқори курсаткичга эга ($19,3 \pm 3,5\%$), энг кам кўрсаткич эса А- миеломада ($11,8 \pm 3,9\%$) қайд қилинди.

Барча текширилган беморларда қонда креатинин миқдорини ошганлиги аниқланиб, энг кўп даражаси Ig ларнинг кам учровчи турларида ($164,6 \pm 41,3$; $p<0,05$) ва IgGλ ($148,7 \pm 35,0$; $p<0,05$), энг кам миқдори IgG κ ($98,6 \pm 4,8$; $p<0,001$) да қайд қилинди. МК вариантыга кўра мочевина миқдорини баҳолашда аниқландики, энг кўп IgGλ да ($12,6 \pm 1,6$; $p<0,001$) кузатилиб, IgGκ га нисбатан 1,4, IgAκ нисбатан 1,3, IgAλ га нисбатан 1,2 ва Ig кам учровчи турларига нисбатан 1,3 марта ошганлиги кузатилди. Аниқланган ўзгаришларни, қонда мочевина ва креатинин кўрсаткичларини ошганлигини сарҳисоб қилганда шуни таъкидлаш керакки, уларнинг ошишини асосий сабаби буйрак нефронининг найчаларида патологик оқсилнинг тикилиб қолиши натижасида юзага келган миелом нефропатиясидир. Ўз навбатида беморларда буйрак етишмовчилиги ривожланиб боради ва бу беморнинг умумий ҳаётига таъсир қилиб, соғ қолиш кўрсаткичини пасайишига олиб келади.

Сийдикни биокимёвий таҳлилида 24 (19,4%) беморда Бенс –Джонс оқили бўлган миелом касаллигини тури аниқланди, бу ҳам даволаш, ҳамда касаллик ривожланишини тахминлаш нуқтаи назаридан касалликнинг оғир кечишидан

дарак беради. Умумий сийдик таҳлилида касалликни барча иммунокимёвий турларида протеинурия борлигини кўрсатди. Энг кўп аниқланган протеинурия IgAk (1,2±0,46), IgAλ (1,1±0,39) ва кам учровчи вариантларда (1,8±0,35) қайд қилинди.

Юқоридаги маълумотларни умумлаштирганимизда маълум бўлишича, салбий прогноз омиллари: бемор ёши ≥ 60 ёшдан катталиги, касалликни IgA иммунокимёвий варианты, «λ» энгил занжирини мавжудлиги, гемоглобин миқдорини 100 г/лдан камлиги, умумий оксил миқдорини ≥ 100 г/л дан баландлиги, γ ва $\beta 2$ микроглобулинлар ≥ 6 мг/л ($p < 0,05$), креатинин миқдорини қон зардобиди ≥ 177 мкмоль/л дан баландлигидир ($p < 0,001$).

Диссертациянинг «**Даволаш самарадорлигини баҳолаш, прогностик омиллар ва МК ли беморларни умумий соғ қолиш кўрсаткичи**» деб номланган тўртинчи бобиди беморларни даволашдан кейинги натижалар ёритилган.

Даволаш самарадорлигини баҳолаш учун барча тадқиқот усуллари билан беморларни динамик мониторинг кузатуви олиб борилган. Даво курсларидан сўнг бир ой ўтгач, иккала гуруҳ беморларини клиник текшириш оссалгия, юқумли асоратлар ва экстремедуляр плазмоцитомалар сони ва интенсив ўсишини сезиларли пасайганлигини кўрсатди. Беморларда янги патологик синишлар кузатилмади. Шу билан биргаликда миелом касалликли беморларда буйраклар функциясини яхшиланганлиги ҳам аниқланди. "А" гуруҳида беморларнинг 36,7% да оссалгия кузатилган (IgGκ варианты - 6,9%, IgGλ - 10,3%; IgAk - 1,2%; IgAλ - 9,2% ва кам учрайдиган турларида 9,2%).

Бронхит ва пневмония кўринишидаги инфекция асоратлар миелом касаллиги билан хасталанган беморларнинг 8,0% да, буйраклар функцияси бузилиши (СБЕ) 21,8% беморда аниқланган. Касалликнинг экстремедуляр кўринишлари фақат 6,9% да юзда, бош терисининг юмшоқ тўқималарига зарар етказган шакллари (IgG M (2,3%) ва IgGλ (4,6%)) бўлган беморларда даволанишдан кейин деярли 2 баробар камайди.

Трансплантациядан кейинги даврнинг дастлабки кунларида "В" гуруҳидаги клиник таҳлил беморларнинг 5,0% да ангина ва сурункали бронхитнинг авж олиши, 5,0% беморларда эса тромбофлебит ривожланиши, 10,0% беморларда эса бронхопневмония билан асоратлангани маълум бўлди. Хаёт учун хавfli юқумли асоратлар ауто ГЎХТ дан 1 ой ўтгач кузатилмади. Камқонлик синдромининг оғирлиги ва учраш даражасига нисбатан ижобий динамика кузатилди.

“А” гуруҳда анемик синдромнинг оғир даражаси 13,7% беморларда, ўрта даража 21,8% ва энгил даража 42,5% беморларда қайд қилинди. «Б» гуруҳда оғир даражали камқонлик аниқланмади, ўрта даража 25% ва энгил даража 55% беморда аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Миелом касаллигининг турли хил иммунокимёвий вариантларини даволашдан сўнг тромбоцитлар сонини ўрганиш бизга ушбу кўрсаткични даволашдан олдинги миқдорларга нисбатан ижобий динамик ўзгаришларни қайд этиш имконини берди. Даволаш усулларидадан кейин “А” ва “Б” гуруҳларда тромбоцитлар сонини қиёсий баҳолашда сезиларли фарқ кузатилмади. Лейкоцитлар сони бўйича ўртача кўрсаткичлар даволанишдан олдин ҳам,

даволанишдан кейин ҳам меъёрий кўрсаткичлар доирасида бўлди. Текширилган беморларда ЭЧТ миқдорини қиёсий таҳлилида даволанишдан олдинги дастлабки маълумотларга нисбатан ижобий ўзгариш –пасайиши аниқланди. ЭЧТ миқдорини пасайиши иккала гуруҳ беморларида ўсма клонини камайиши, патологик оқсиллар ишлаб чиқишини камайиши билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида бу маълумотлар даволаш самарадорлигини таъкидлайди. Даволашдан сўнг суяк кўмигида плазматик хужайралар сонини пасайиши иккала гуруҳда кузатилди, аммо янада купроқ ижобий натижа “Б” гуруҳда аниқланди.

1-жадвал

Миелом касалликли беморларнинг иммунокимёвий турига боғлиқ ҳолда периферик қондаги кўрсаткичларининг динамик ўзгариши (M±m)

Ig типи		Гемоглобин, г/л	Эритроцит, X10 ¹² /л	Тромбоцит, X10 ⁹ /л	Лейкоцит, X10 ⁹ /л	ЭЧТ, мм/с
«А» гуруҳ, (n=87)						
G	κ	99,7±3,3**	3,3±0,11*	169,3±13,2	6,1±0,60	20,0±2,0***
	λ	98,9±6,4**	3,5±0,16**	201,3±22,1*	5,5±0,62	23,8 ±5,5**
A	κ	96,6±11,2	3,6±0,25	198,5±7,1*	4,1±0,49	56,0±12,8
	λ	92,7±8,3	3,3±0,25*	193,5±24,4*	6,56±1,2	39,1±9,2
Кам учровчи вариантлар		105,9±6,6*	3,5±0,21	164,2±18,8	4,5±0,57	22,1±5,1*
«Б» гуруҳ, (n=20)						
G	κ	111,1±4,2***	3,9±0,08***	217,1±16,3*	8,2±2,02	11,7±1,2***
	λ	95,9±3,3**	3,30,11*	164,6±15,5	4,6±0,5	33,0 ±5,8*
A	κ	113,0±3,7**	3,8±0,12	144,0± 12,4	9,5±2,3**	48,0±4,1
	λ	112,5±3,6***	4,1±0,03	187,0±33,8*	2,7±0,09	12,5±0,8***
Кам учровчи вариантлар		106,5±3,0**	3,63±0,14	185,5±37,8	7,45±1,2	36,5±3,6

Даволанишдан кейин қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари натижаларини таҳлили даволанишдан олдин ушбу кўрсаткич натижаларига кўра ижобий ўзгаришларни кўрсатди. Иккала гуруҳда «А» ва «Б» бу ўзгаришлар умумий оқсил миқдорини, γ – ва β2 – микроглобулинлар, креатинин ва мочевина миқдорини камайиши билан тавсифланди, аммо «А» гуруҳда ушбу курсаткичлар меъёрга нисбатан юқорилиги кузатилди.

Мочевина миқдорини «А» гуруҳда IgAκ, IgAλ ва кам учровчи вариантларда даволашдан сўнг ҳам баландлиги аниқланди, бу эса ўтказилган даво усулига нисбатан нотўлиқ самарадан дарак беради.

Креатинин миқдорини таҳлил қилинганда барча текширилаётган гуруҳларда даводан сўнгра камайганлиги қайд қилинганлигига қарамай, «А» гуруҳда IgGλ, IgAλ ва кам учровчи вариантларда меъёрга нисбатан 1,2; 1,04 ва 1,18 марта ошганлиги кузатилди. Ушбу маълумотлар даволаш самарасини баҳолашда салбий омил ҳисобланади. Сийдик биокимёвий таҳлили натижаларида «А» ва «Б» гуруҳ ўртасида фарқлар аниқланди. «А» даводан сўнг Бенс-Джонс оқсили 9,2% беморларда аниқланган бўлса, «Б» гуруҳда даводан сўнг Бенс-Джонс оқсили аниқланмади.

Шундай қилиб, қон зардоби ва сийдикни биокимёвий текширув натижалари даводан сўнг иккала гуруҳда камайганлиги, айниқса “Б” гуруҳда

умумий оксил, микроглобулинлар, мочеви́на ва креатинин миқдорини сезиларли камайганлиги қайд қилинган.

Статистик таҳлил натижасида прогностик омиллар орасида корреляцион боғлиқлик: қон зардобида умумий оксил ва микроглобулинлар миқдорини, мочеви́на ва креатинин миқдори билан, периферик қонда гемоглобин, эритроцитлар, тромбоцитлар, ЭЧТ, суяк кўмигида плазматик хужайралар миқдори, сийдикда умумий оксил ва Бенс-Джонс оксиди билан аниқланди.

Диссертация ишининг асосий этапларидан бири миелом касалликли беморларнинг «А» ва «Б» гуруҳида ўтказилган даво усулига кўра иммунокимёвий турларини соғ қолиш кўрсаткичини аниқлашдан иборат.

Ўртача 60 ой давомида кузатув натижасида (1–96 ой) ўтказилган даво усулига кўра касалликсиз соғ қолиш (КСҚ) ва умумий (УСК) соғ қолиш кўрсаткичида сезиларли фарқлар аниқланди (2-жадвалга қаранг).

«А» и «Б» гуруҳлари беморларининг умумий соғ қолиш кўрсаткичини киёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, «Б» гуруҳи беморларида «А» гуруҳига нисбатан 12, 36 ва 60 ой ва хз. да УСК кўрсаткичи 1,06; 1,42 ва 2,8 марта ошганлиги аниқланди (3-жадвалга қаранг).

2-жадвал

VCD + ауто ГЎХТ схемаси буйича ПКТ олган миелом касалликли беморларни орасида КСҚ таҳлили

Ig Варианти		Миелом касалликли беморларнинг КСҚ					
		КСҚ					
		12 ойгача		36 ойгача		60 ойгача	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
G	κ, (n=7)	7	35,0	5	31,3	2	28,6
	λ, (n=8)	8	40,0	7	43,8	2	28,6
A	κ, (n=1)	1	5,0	0	0	0	0
	λ, (n=2)	2	10,0	2	12,5	1	14,3
Кам учровчи вариантлар (n=2)		2	10,0	2	12,5	2	28,6
Жами (n=20)		20	46,5	16	37,2	7	16,3

Шундай қилиб, олинган натижалар «А» гуруҳ беморларига нисбатан «Б» гуруҳ беморларида УСК, КСҚ кўрсаткичи юқорилигидан дарак беради. Бу ўз навбатида Ауто ГЎХТ амалиётда қўллашни юқори самарадорлигини тасдиқлайди. Бу самарадорлик ушбу беморларнинг «Б» гуруҳида хаёт сифатини ошганлиги, КСҚ ва УСК даврининг узайганлиги билан намоён бўлади.

Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, МК бу полиморф килиник кўринишга эга касалликдир, салбий прогностик омиллар: бемор ёши ≥ 60 ёши ($p < 0,001$), МК ни IgA иммунокимёвий варианти ($p < 0,001$), «λ» энгил занжирнинг мавжудлиги, гемоглобин миқдорини 100 г/лдан пастлиги ($p < 0,05$), суяк кўмигида 5% ва ундан кўп плазматик хужайралар аниқланиши, умумий оксил миқдори ≥ 100 г/л, γ ва $\beta 2$ микроглобулинлар $\geq 19\%$ ва 10% ($p < 0,05$), қон зардобида креатинин миқдорини ≥ 177 мкмоль/л ($p < 0,001$).

VCD схемаси буйича ПКТ+Ауто ГЎХТ олган миелом касалликли беморларда УСҚ кўрсаткичи таҳлили

Ig варианты		МК беморларнинг соғ қолиш кўрсаткичи					
		УСҚ					
		12 ойгача		36 ойгача		60 ойгача	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
G	κ, (n=7)	7	35,0	6	37,5	4	28,6
	λ, (n=8)	8	40,0	6	37,5	6	42,9
A	κ, (n=1)	1	5,0	0	0	0	0
	λ, (n=2)	2	10,0	2	12,5	2	14,3
Кам учровчи вариантлар (n=2)		2	10,0	2	12,5	2	14,3
Жами (n=20)		20	40,0	16	32,0	14	28,0

Бемор қабул қилган даво чоралари самарадорлиги баҳолашда, УСҚ ва КСҚ кўрсаткичларини давомийлиги муҳим аҳамиятга эга мезондир. Шу сабабли, миелом касаллигини ташхислаш (касаллик турларини иммунокимёвий усулда аниқлаш) ва даволашда (ауто ГЎХТ) юқори технологик усулларни қўллаш ишончли ва истиқболлидир.

ХУЛОСАЛАР

«Миелом касаллигининг юқори технологияли диагностикаси ва даволаш усуллари» мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Ўзбекистонда миелом касаллиги билан хасталанган беморларда дастлабки ташхис қуйилганда кўпинча G - миелома (66,1%), кам ҳолатда А - миелома (17,7%) қайд этилади. А – миелома чуқур клиник-лаборатор ўзгаришлар ва нисбатан касалликнинг агрессив кечиши билан фарқланади.

2. Миелом касаллигини прогнозини белгиловчи омиллар қуйидагилар: ёши 60 ёшдан катта беморлар, касалликнинг IgA иммунокимёвий варианты, "λ" эркин энгил занжири мавжудлиги, гемоглобин миқдорини 100 g / l дан камлиги, умумий оқсил миқдори 100 g / l, γ ва β2 микроглобулинларнинг $\geq 19\%$ ва 10%, зардобда креатинин миқдорини $\geq 177 \text{ mkmol / l}$ дан баландлигидир.

3. Миелом касаллигини даволашда юқори технологияли усуллардан фойдаланиш (ауто ГЎХТ) унинг самарадорлигини фақат поликимётерапия ўтказилган беморлар гуруҳи натижалари билан солиштирилганда 3.6 марта ($p < 0,01$) ошишига олиб келади.

4. Юқори технологияли даволаш усуллари (ауто ГЎХТ) қўллаган ҳолда миелом касалликли беморлар даволанганда, фақат поликимётерапия билан даволанган гуруҳга нисбатан таққосланганда, 5 йиллик соғ қолиш ва касалликсиз соғ қолиш кўрсаткичи 7,6 марта (4,6% га нисбатан 35,5%) ва 2,8 марта (70,0% га нисбатан 25,3%) ошганлиги мос равишда аниқланди. Аутологик гемопозитик ўзак хужайралар трансплантацияси билан даволаш миелом касаллигини даволашда устивор йўналиш ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ГЕМАТОЛОГИИ И ПЕРЕЛИВАНИЯ КРОВИ**

МАХАМАДАЛИЕВА ГУЛЧЕХРА ЗУХРИДИНОВНА

**ВЫСОКОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ И
ЛЕЧЕНИЯ МИЕЛОМНОЙ БОЛЕЗНИ**

14.00.29 – Гематология и трансфузиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Tib411.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно – исследовательском институте Гематологии и переливания крови Минздрава Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Каримов Хомид Якубович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Бабаджанова Шоира Агзамовна**
доктор медицинских наук, профессор
Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Самаркандский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в _____ часов на заседании разового Научного совета DSc27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован за №___). (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 года)

А.Г.Гадаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Л.Аляви
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время все большее внимание ученых задействовано в изучении опухолевых заболеваний системы крови, которые представляют собой сложную проблему, медико-социальной значимости. Это связано, прежде всего, с ростом уровня онкогематологической заболеваемости и высокой распространенностью среди всей возрастной категории людей. Наряду со всеми опухолевыми заболеваниями системы крови особый интерес приобретает множественная миелома, которая не так давно считалась довольно редкой патологией, которая встречалась только среди лиц пожилого и старческого возраста. Однако, за последнее десятилетие множественная миелома стала наблюдаться и среди молодой возрастной категории, отличаясь агрессивным и тяжелым течением, зачастую приводя в течение уже первых лет к летальному исходу¹. На сегодня множественная миелома занимает 2-е место по своей распространенности среди всей онкогематологической патологии, частота встречаемости которой увеличивается с возрастом, достигая 20 на 100 000 человек в год в пожилой возрастной группе.

В мире проводятся исследования по изучению различных аспектов множественной миеломы, в которых задействованы не только клиницисты и морфологи, но и биологи, иммунологи, генетики и другие специалисты, благодаря совместной работе которых достигнуты значительные успехи в плане понимания сложных механизмов развития, способствовавшие усовершенствованию и разработке новых методов диагностики и лечения. В частности, результатами множества исследований показано, что в трансформации плазматических клеток в злокачественные играют важную роль как генетические, так и средовые факторы. Диагностика и лечение множественной миеломы зачастую сопровождается трудностями, что связано схожестью ее клинических и лабораторных проявлений с другими состояниями и заболеваниями. Одним из важных диагностических критериев множественной миеломы, позволяющим определить течение и прогноз заболевания является наличие патологического моноклонального белка в сыворотке крови, в зависимости от содержания которого в сочетании с рядом других диагностических показателей можно оценивать результаты лечения заболевания, определяя частичную или полную ремиссию заболевания.

В настоящее время эффективность таргетных препаратов, ингибиторов протеасомы и моноклональных антител в лечении миеломной болезни до конца не изучена. По мнению специалистов «лечение новыми ингибиторами протеасомы увеличивает пятилетнюю выживаемость больных множественной миеломой в два раза...»². За последние годы накапливаются и

¹Chen Y.K. et al. Early mortality in multiple myeloma: Experiences from a single institution // Hematology. – 2016. – Vol. 21. №7. – P. 392-398.

² Bhatnagar V. et al. FDA Approval Summary: Daratumumab for Treatment of Multiple Myeloma After One Prior Therapy // Oncologist. – 2017. – Vol. 22. №11. – P. 1347-1353.

результаты лечения с внедрением в схемы лечения множественной миеломы трансплантации гемопоэтических стволовых клеток (ТГСК), в частности аутоТГСК. По данным многоцентровых исследований применение высокодозной полихимиотерапии с последующей аутоТГСК показали высокую их эффективность среди больных с рецидивирующими и резистентными формами множественной миеломы. Следовательно, проведение аутоТГСК на сегодняшний день является приоритетным направлением лечения множественной миеломы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-№4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года УП – 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлению Президента от 20 июня 2017 года ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан», а также задач, обозначенных в других нормативно-правовых документах касающихся деятельности в данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики VI «Медицина и фармакология».

